4. https://old.gov.uz/oz/news/view/24061
5. https://uz.wikipedia.org/wiki/Musiqa_tanlovlari_va_festivallari
6. Amonov.D.“Sharq taronalari” xalqaro musiqa festivali, BMI. -T.: 2006.
7. Shaxnazarova B. Talabalar kuylaydi. -T.: Mumtoz so‘z, 2012.

REZYUME. Ushbu maqolada festivallarni asrlar davomida turli xalqlar, madaniyatlar va jamoalarning o‘ziga xosligi, an’analari va qadriyatlarini ifodalovchi muhim madaniy hodisani tashkil etgani o‘rganiladi. Festivallarning turfa ko‘rinishlari: musiqa, teatr, tasviriy va amaliy san’at, milliy taomlar kabi turli ko‘rinishlari mazkur hodisaning madaniy aspektini ifodalashi ochib beriladi. Bugungi kunda festivallar, shuningdek, dolzarb ijtimoiy va iqtisodiy masalalarni yechishda muhim platformalariga aylanib, madaniy fenomen sifatidagi rolini alohida belgilangani ko‘rsatib, ijtimoiy va madaniy jihatlarni birlashtiruvchi ko‘p qirrali hodisa sifatida O‘zbekistonda o‘tkazilayotgan “Sharq taronalari” va “Ilhom-XX” kabi yetakchi musiqiy festivallari tahlil qilinib, jamiyat taraqqiyoti va uning o‘ziga xosligini saqlashda tutgan o‘rni ochib beriladi.

РЕЗЮМЕ. В данной статье рассматриваются фестивали как важное культурное явление, которое на протяжении веков выражало уникальность, традиции и ценности различных народов, культур и сообществ. Разнообразные формы фестивалей — такие как музыка, театр, изобразительное и прикладное искусство, национальная кухня — раскрывают культурные аспекты этого явления. Сегодня фестивали стали важными платформами для решения актуальных социальных и экономических вопросов, укрепляя свою роль как культурного феномена и оказывая влияние на общественные изменения. В статье проводится анализ ведущих музыкальных фестивалей, проводимых в Узбекистане, таких как «Шарк тароналари» и «Илхом-ХХ», и рассматривается их роль в сохранении уникальности общества и его развитии. Кроме того, фестивали играют важную роль в содействии международному культурному диалогу, представлении различных жанров искусства широкой аудитории и сохранении культурного наследия.

SUMMARY. This article explores festivals as an important cultural phenomenon that has expressed the uniqueness, traditions, and values of different peoples, cultures, and communities over the centuries. Various forms of festivals—such as music, theater, visual and applied arts, and national cuisine—highlight the cultural aspects of this phenomenon. Today, festivals have become important platforms for addressing pressing social and economic issues, strengthening their role as a cultural phenomenon, and influencing societal change. The article analyzes leading musical festivals held in Uzbekistan, such as “Sharq taronalari” and “Ilhom-XX” and examines their role in preserving the uniqueness of society and contributing to its development. Additionally, festivals are essential in fostering international cultural dialogue, presenting various art genres to the public, and preserving cultural heritage.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҚ БАХШИЧИЛИК САНЪАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ
(Каримбай Тинибаев ва Турғанбай Қурбановлар мисолида)

Махамматдинова Лола Махамматдиновна – *доцент*
ЎзДСМИ Нукус филиали

Таянч сўзлар: бахши ҳаёти, халқ мусиқаси, чолғу асбоби, бахшилар, достонлар, дутор, қўшиқ, санъат, бадиий асар.

Ключевые слова: народные музыка, стунные инструменты, бакси, легенди, дутар, песня, искуства, художественое произведения.

Key words: folk music, string instrument, narrator, legend, dutar (stringed musical instrument with two strings) song, art, work of art.

Мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни олиб борилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.[1]

Айни вақтда миллий ўзлигимизни англаш, маданиятимизни ҳар томонлама ривожлантириш, халқимиз, аввало, ёш авлодимизни юксак инсоний туйғулар руҳида тарбиялаш, унинг эстетик диди ва тафаккурини шакллантиришда мақом

санъатининг кенг имкониятларидан етарлича фойдаланилмаяпти.[2]

Малумки, халқ мусиқа мероси жуда бой, мазмунан теранг ва юксак инсоний ғояларни ўзида мужассам этиши билан халқ ҳаётининг ўзига хос кўзгуси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам халқ мусиқа меросида таълим ва тарбиявий мақсадларда фойдаланиш ҳамма даврларда ҳам олимлар, муттафаккир-файласуфлар, шоирлар, педагог-мураббийларнинг диққат марказида бўлиб келган. Қорақалпоқ халқининг бахшичилик ижодиёти жуда бой ва сер тармоқ бўлиб, улар орасидаги меҳнат ва маросим, мавсумий қаҳрамонлик ва достончилик қўшиқлардан тортиб, оғзаки анъанадаги касбий мусиқа йўналишига мансуб мумтоз ашулалари асрлар оша шаклланиб, авлодлар томонидан сайқалланиб, мукаммаллашиб, кишиларга маънавий ҳамда эстетик озуқа бериб келади.

Халқ мусиқаси таркибан ва табиатан синкретик (қоришма) санъатдир. Бунда сўз, куй ва ўйин (рақс ва куйга монанд ҳаракатлар) унсурларнинг ўзаро бирикиб келиши кузатилади. Чунки, оғзаки фольклор мусиқа намуналари келиб чиқиш манбаларига кўра халқ ҳаёти билан боғлиқ турли кўринишларни, хусусан, меҳнат жараёни, оилавий маросим ва урф-одатлар, ижтимоий муносабатларни акс эттирувчи анъаналар, халқ сайллари ва оммавий байрамларни ўзида ифода этиши билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам халқимизнинг тарихи, тилини, миллий қадриятлари, миллий ўзлигини англашда халқ мусиқа мероси жуда катта аҳамият касб этадики, республикамиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан барча ижтимоий-маънавий соҳаларда бўлгани каби, мусиқа таълими ва тарбиясини ҳам миллий негизда ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий, бадиий-эстетик тарбиялашда халқ мусиқа ижодиётидан кенг фойдаланиш, тобора унутилиб бораётган халқ мусиқа меросининг бебаҳо бойлиги бўлган фольклор, мумтоз ва мақом мусиқаларини тиклаш, асраб-авайлаш, таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этишга устувор эътибор қаратилиб келинмоқда. Таълимнинг барча бўғинларида мусиқа ўқув дастури ва дарсликлари шу асосда янгидан яратилди.

Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистонда бахшичилик санъатининг ривожланишига ҳисса қўшган бахшиларнинг ёшлар тарбиясига таъсирин таҳлил қилдик. Тинибаев Каримбай чинжирма-чинжир келаётган бахшилар авлодидан. Болалик чоғидан-оқ бахши куйлари билан жуда яқиндан танишиб борган Каримбай 10-13 ёшларидан бошлаб анча-мунча куйларни яхшилаб куйлай олган. Отасига эргашиб юриб бахшилар ижро этган куйларнинг оҳангларига, қочиримларига, моҳир ижро этилишига эътибор бериб, кўпгина куйларни отасидан ўрганиб боради. У Убайхан Садиқовга шогирдликка тушади, кўпгина куй-созларни ўрганади. Бахшичилик билан бирга гижжак соз асбобини ҳам ўрганади, устози куйласа у гижжак чалган. [3] Кўп йиллардан буён шогирдлар тайёрлайди ва кўпчилик шогирдлари давлатимиз томонидан мукофотланади. Улардан Қорақалпоғистон халқ артисти бахши Турғанбай Қурбанов, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Гулбаҳар Раметова, Ўзбекситон халқ бахшилари Ғайрат Утемуратов ва Тенел Қаллиев, Қорақалпоғистон халқ бахшилари Зиёда Шерипова, Гулнара Алламберганова ва Гулбахар Ахимбетова, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Инжигул Сабурова, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист бахшилар Тилепбой Қўчқаров ва Узақбай Шамурадов, гижжакчи ва бахшилар (марқум) Насир Нуратдинов, С.Қайпназаров ва Генжебай Султамуратов ва ҳ. Қурбанов Турғанбай Миллий қорақалпоқ бахшичилигининг 1980 ва 2005 йиллардаги ривожланиш тарихида Қорақалпоғистон халқ бахшиси Турғанбай Қурбановнинг катта ҳиссаси бор. Шуни таъкидлаш керакки, Т.Қурбановнинг 1980 йилдан бошлаб таниқли бахши Генжебай Тилеумуратовга шогирд бўлиши унинг ҳаётида катта бурилиш ясади. Устозининг изига етти йил (1980-1987) эргашиб, ундан оқ фотиҳа олган. Т.Қурбанов Қорақалпоғистоннинг Доғистондаги, Тошкент шаҳридаги, Хоразм вилоятидаги, Қозоғистоннинг Қизил Ўрда вилоятидаги маданият ва адабиёт кунларига қатнашди ва миллий бахшичилик санъатимизни республикамиздан ташқари жойларда ҳам тарғиб қилиб, унинг шуҳратин ёйишга ҳисса қўшди. Айниқса, Қозоғистондаги дунё олимлари иштирок этган халқаро симпозиумга қатнашиб, унда жаҳонга машҳур олимлар ва санъат намояндалари олдида миллий бахшичилигимизнинг қудратини кўрсата олиши бутун қорақалпоқ миллий ижод ҳунаримизнинг юксак баҳоланишига хизмат қилди. У тожикистонлик Султанали Худойберганов, эронлик Ҳожи Қурбон Сулайманийлар билан бирга Францияга бир ҳафталик ижодий сафарга 1996 йилнинг апрел ойида бориб, миллий ижрочилик санъатимизнинг гўзаллиги, одам жонига роҳат

бағишловчи сеҳрли кучин дунёнинг турли бурчидан келган олимлар, санъат тадқиқотчилари, умуман санъат ихлосмандлари олдида кўрсатишга муяссар бўлди. Яна Т.Қурбановнинг бошчилигида 2005-йили шогирдлари Т.Қаллиев, Г.Алламбергенова, Б.Сиримбетов, С.Қайпназаровлар билан биргаликда Голландия Белгия Давлатларида ижодий сафарда булди. Бу ҳолат қорақалпоқ миллий маърифат ҳунарининг, шу жумладан миллий бахшичилигимиз шухратининг оламга тарқалишига имконият яратди. Бахшининг бу хизматлари ўз вақтида ва муносиб тарзда баҳоланди. Мустақиллик даврига келиб унга 1994 йилда «Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист», 1995 йилда «Қорақалпоғистон халқ артисти» ҳурматли унвонлари берилди.

Т.Қурбановнинг бундай юқори мартабага эришиши тўсатдан бўлгани йўқ. Биринчидан, унинг ота-онасининг соз чалиб, дутор билан қўшиқ куйлашга, умуман миллий санъатимизга бўлган қизиқиши бўлажак бахшининг қизиқиш оламининг йўналишини белгилаб берган бўлиши керак. Масалан, отаси Қурбанов Атабай деҳқон бўлиб юриб дутор чалиб, қўшиқ куйлайдиган бўлган, онаси Гулзада Реймова чанқобиз чалишнинг устаси ва қўшиқчи бўлган, тоғаси Ережеп эса Чимбой элати «Ор ёб» бўйида ўзининг созандалиги билан кўпчиликга танилган инсон. Иккинчидан, юқорида таъкидлаганимиздек, 1980-1987 йилларда биз гап қилаётган қаҳрамонимизнинг таниқли қорақалпоқ бахшиси Г.Тилеумуратовга шогирдликга тушиши катта таъсирин кўрсатди. Учинчидан, Т.Қурбановнинг ўзидан олдинги ва ўз давридаги бахшилардан асосий фарқи шундан иборатки, у бахшичиликнинг Суйеў ҳамда Муса йўлларин чуқур эгаллаган, уларнинг ўзига хос хусусиятларин кўпчиликга етказа олган бахшидир. Шу боис у кўпчиликнинг олдида Суйеў бахши йўлига «Ола қайиш», «Ешбай», «Кўр қиз», «Азизим», «Гелалайлим», «Қошим полвон», «Хошаддес» куйларин, Муса йўлига «Муса сен ёри», «Сен ёр қол энди», «Сен ёр гедали», «Адингнан», «Санали гелди», «Беглар», «Бормикан», «Мухаллес», «Якка бошли», «Ғубаддин» ва Г.Тилеумуратовдан ўрганган «Лайлай» , «Қизлар уйга кир» куйларин, шунингдек, «Арухон», «Беш парда», «Не фойда», «Кенесли тон», «Нолиш», «Калта нолиш», «Хўжа боғмон», «Дағлари», «Саудигим», «Нойларман», «Ғулпақ», «Ёмон чиғанақ», «Илғол» ва бошқа элликдан ортиқ халқ куйларин маромига етказиб куйлай олиши миллий бахшичилик санъатимизнинг ривожланишига қўшган салмоқли ҳиссаси бўлди. Тўртинчидан, Т.Қурбановнинг яна бир хусусияти – у шогирд тайёрлашга ҳам катта эътибор берди. Қораўзакли Умрзақ Қудайбергенов, Шўманайли Қувончбай Хўжаниёзов, Кегейличи Зарип Абдуллаев, Нукуслик Тенелбай Қаллиев, Ортиқбой Ережепов, Гулнара Алламберганова, Иқласбай Моянов ва бошқа ҳозирги кунда келажагидан умид куттирадиган бахшилар Турғанбай Қурбановни ўзларига устоз деб ҳисоблайди. Бешинчидан, у ўзига замондаш бахшилар ва созандалар бўлган Хўжайлилик Менглибай Пирназаров, Нукуслик Каримбай Тинибаевлар сингари қорақалпоқ миллий бахшичилик ҳунари тўғрисида катта билимга эга, қатиқулоқ одам бўлиб, у ижрочилик санъатимизнинг тарихида ўчмас из қолдирган вакиллари ҳақида баҳоли маълумотларни, уларни олимларга айтиб бериши орқали бахшичилик ҳунаримизнинг тадқиқ қилинишига ҳам маълум даражада ҳиссасин қўшди. Унинг фикрича, чинакам бахшичилик санъатини ўрганиш учун қўйидагиларни беками-кўст бажариш зарур: тўғри йўлдан юриш, номаъқул ишларга қўл урмаслик, ёмон хулқ-атвордан жирканиш, бошқаларни ҳам шунга даъват қилиш, маҳорат ҳунарин узлуксиз такомиллаштириб бориш, инсонийлик фазилатларни жирлаш, одамийликга ёт ҳаракатларни очкор қилиш. Демак, буларга суянган ҳолда айтиш мумкинки, миллий ижрочилик санъатимизда, шу жумладан бахшичиликда асрдан-асрга устоз билан шогирд ўртасидаги ўзаро муносабатнинг мораллик кодекси шаклланган, бу ўз навбатида шу соҳада шогирд тайёрлашда, маҳорат анъаналарининг узвийлигида ўзига хос қонун йиғиндиси сифатида ўрнашиб улгурган, шу боис миллий бахшичилигимизнинг ўзига хос беткарор фалсафасин пайдо қилган. Шундай экан, илоҳий иқтидорга, чидамга ва ўз устида тинимсиз ишлашга интилган ҳар бир бахши бунга илоҳий нарса сифатида бўйсунган.[4]

Мана шундай халқимиз орасида кўзга ташланиб келаётган бахшилардан: Ўзбекситон халқ бахшилари Ғайрат Утемуратов ва Тенел Қаллиев, Қорақалпоғистон Республикасига хизмат курсатган маданият ходими, доцент Инжигул Сабурова, Қорақалпоғистон халқ бахшилари Зиёда Шерипова, Гулнара Алламберганова, Гулбаҳор Ақимбетова, Нихол мукофоти совриндори Лола Махаматдинова, Зулфия номидаги давлат мукофоти

совриндори Улбосин Ўринбоеваларнинг меҳнатларига қизиқиб, ёшларимиз мен ҳам шулар каби келажакда машҳур бахши бўламан деб, ўзининг маъанваий маданиятини бойитишига таъсир қилиши шубҳасиз.

Шунинг билан бирга ўсиб келаётган ёш авлодни миллий мусиқа маданиятимиз, хусусан, таъкидлаб ўтилган фольклор ҳамда мумтоз санъати билан ҳар томонлама ва пухта таништириб бориш, шу орқали уларда миллий ғоя, миллий нафосат, миллий маданиятни қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Халқ қўшиқлари, мумтоз асарлари фақатгина эстетик завқ олиш манбаи бўлиб қолмай, ўзига ҳос қудратли таълим-тарбия воситаси ҳамдир. Шунга кўра, ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятига аждодларимизнинг асрлар давомида мисқоллаб орттирилган, даврлар синовидан муваффақиятли ўтиб келаётган мусиқий бойликларни сингдириб бориш орқали уларда замонавий мусиқага онгли муносабатни шакллантириш ҳақиқий мусиқа маданиятини қарор топтириш мумкин. Зотан, халқ мусиқасини ҳис этмасдан замонавий мусиқани идрок этиш мумкин эмаслигини тўғри англаш ва шунга кўра иш тутиш, мусиқа таълими ва тарбияси билан шуғулланувчи педагог-мураббийлар ва соҳа мутахассисларининг энг муқаддас бурчидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3907-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 17-ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3391 сонли қарори;

3. Моянов Ықласбай «Музыка сырлы дүнья», «ЕРКИН ҚАРАҚАЛПАҚСТАН» газетасы 2022-жыл 27-октябрь №129 (20839).

4. Нуржанов. П. «Бақсышылық мектебиниң белгили ўәкили», «ЕРКИН ҚАРАҚАЛПАҚСТАН» газетасы 2006-жыл 5-декабрь №146.

РЕЗЮМЕ. Мақолада мустақиллик йилларида қорақалпоғистонда бахшичилик санъатининг ривожланиши, оммавий тус олган жуда қўркам, гўзал товушли мусиқий асбобларнинг бири – дутор ва бахшичилик санъати, миллий қадриятларни такомиллаштириш йўллари ҳақида маълумотлар берилган.

РЕЗЮМЕ. В статье даны сведения об истории музыкальных инструментов каракалпакского народа, о широко распространенном среди народа, очень красивом, имеющим звонкие звучание инструменте - дутаре, путях развития искусства бахши, обогащении национальных ценностей.

SUMMARY. The development of BARD ART in Karakalpakistan and its spiritual and educational effect on young learners. The article deals with the information about musical instruments of Karakalpak people. It informs about one of the most beautiful instruments which have irresistible sound – a lute. And provides suggestions for developing factors of national traditions.

SANLÍ TEXNOLOGIYALAR ÁSIRINDE MUZÍKA TÁLIMINIŃ ORNÍ

Muratbaev Alisher – *magistr*
Nókis mámleketlik pedagogikalıq institutı magistrantı

Tayanch so‘zlar: texnologiya, kommunikatsiya, musiqa, emotsional intellekt, Koday metodi, 4K ko‘nikmalar, tanqidiy fikrlash, ijodkorlik.

Ключевые слова: технология, коммуникация, музыка, эмоциональный интеллект, метод Кодай, навыки 4K, критическое мышление, креативность.

Keywords: technology, communication, music, emotional intelligence, Koday method, 4K skills, critical thinking, creativity.

XXI ásirde sanlı texnologiyalar tek ǵana baylanıs hám miynetke emes, al adamlardıń bilim alıwına, oylawına hám dúnya menen qarım-qatnas jasawına da tereń tásir etti. Sanlı ortalıq tek ǵana maǵlıwmat alıwdı emes, al onı sintezlew, jaratıw hám jańa jaǵdaylarǵa beyimlesiw qábiletin talap etedi. Bul qábiletler emocional intelekt, dóretiwshilik hám sın pikir júrgiziw arqalı rawajlanadı.Industrial jámiyettiń sanlı jámiyetke aylanıwı bilimlendiriwdiń maqsetlerin qayta kórip